



100084, Toshkent shahri, Yunusobod tumani,
Kichik xalqa yo`li – 4.
Tel.: 239-16-85
Faks: 150-62-99

100084, город Ташкент, Юнусабадский
район, Кичик халка йули – 4.
Тел.: 239-16-85
Факс: 150-62-99

Пресс-релиз

Бугунги кунда барча жабҳада эришаётган залворли ютуқларимиз қаторида, фуқаро муҳофазаси соҳасидаги илғор ёндашув халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётгани бежиз эмас. Унинг замирида чуқур ўйланган ислохотлар, тизим моддий-техника таъминотини замонавий илм-фан ютуқларига ҳамоҳанг равишда ривожлантиришга, пировардида аҳоли ҳаёти ва саломатлигини асрашга берилаётган юксак эътибор ҳамда ғамхўрлик мужассамдир.

Мамлакатимизда ўтган йилларда фуқароларни эҳтимолий фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ишончли миллий тизимни яратиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилгани юксак натижаларини бермоқда. Шу ўринда истиқлолнинг илк кунлариданоқ республикамиздаги Фуқаро мудофааси штаби ва унинг жойлардаги бўлинмалари қайта кўриб чиқилиб, фуқаро муҳофазаси тизимига айлантирилганини таъкидлаш жоиз. Дастлаб мазкур тизим Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги таркибида Фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси сифатида фаолият кўрсатган бўлса, давлатимиз раҳбарининг 1996 йил 4 мартдаги Фармонида биноан, ушбу бошқарма негизида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил қилингани соҳа ривожига янги саҳифани очди.

Юртимизда ҳамда илғор хорижий мамлакатларда тўпланган кўп йиллик тажрибага таянган ҳолда, фуқаро мудофааси қурилиши бўйича ўз умрини ўтаб бўлган эскича ёндашув ва қолиплардан тубдан фарқ қиладиган, ҳар томонлама пухта ўйланган, замонавий комплекс дастур асосида мутлақо янги, фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ҳамда ҳаракат қилиш давлат тизими ва унинг мувофиқлаштирувчи органи фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми бўлган мазкур тизим қирқдан ортиқ турли вазирлик ҳамда идораларни камраб олган.

Ўтган йигирма йил мобайнида вазирлик томонидан аҳоли ҳаёти ва саломатлигини сақлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда оқибатларини бартараф этиш борасида давлат сиёсатини юритиш, фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш, вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида аниқ, кенг кўламли вазифалар изчил рўёбга чиқарилди ва бу жараён барқарорлик касб этмоқда. Албатта, шу вақт ичида фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонунчиликнинг такомиллаштирилгани мазкур йўналишдаги ишларга замин яратаяпти. Жумладан, “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги,

“Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги каби қатор қонунлар амалиётга татбиқ қилиниб, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларни, шунингдек, қутқарув хизматлари ҳамда қутқарувчилар фаолиятини тартибга соладиган зарур меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди.

Буларга мос равишда, тизимнинг моддий-техника таъминоти бутунлай янгилангани яна бир эътиборли жиҳатдир. Юртимиз ва минтақаларимиз даражасида ташкил этилган ҳаракатчан авария-қутқарув, сувда-қутқарув, радиацион-кимёвий ва биологик муҳофаза гуруҳлари барча турдаги хавфли табиий ҳодисалар ҳамда техноген ҳалокатлар, трансчегаравий кўринишдаги фавқулодда вазиятларга қарши чора-тадбирларни тезкор ва самарали амалга ошириши учун энг илғор қутқарув ускуналари “Holmatro”, “Scubapro” қутқарув ускуналари, махсус транспорт ҳамда техникалар билан таъминланди. Қутқарув автомашиналари жаҳон стандартларига жавоб берувчи транспорт воситаларига алмаштирилди.

Қувонарлиси, бугунги кунда тизимда фойдаланилаётган махсус тезкор авария-қутқарув транспортларининг қарийб 60 фоизи Самарқанд, Андижон ва Хоразмда ишлаб чиқарилган “Isuzu”, “MAN”, “Damas” автомобилларидан ташкил топган. Махсус жиҳозланган бундай машиналар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги буюртмаси асосида илк маротаба 2011 йилда синов тариқасида ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган вақт мобайнида миллий автомобилсозлик саноати маҳсулотлари барча стандартларга жавоб бериши ҳамда ҳар томонлама қулайлигини намоён қилди. Дарвоқе, мазкур қутқарув автомашиналаримизга дунё миқёсида қизиқиш ортиб бормоқда. Кўплаб ҳалқаро ташкилотлар, Марказий Осиё ҳамда Европа давлатларининг Ўзбекистон қутқарув-транспорт воситаларини харид қилиш учун шартномалар имзолаётгани ҳамда улардан андоза олиш таклифини билдираётгани бунинг яққол исботидир.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимиз қутқарув хизмати ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан мустаҳкамланди. Қутқарувчилар сафига малакали спортчилар, довюрак, шижоатли ёшлар жалб қилинди. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳисобига Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази, Чирчиқ шаҳрида махсус қидирув-қутқарув қисми, “Қамчик” махсус қидирув-қутқарув бошқармаси ташкил қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги авария-қутқарув гуруҳлари кенгайтирилди. Барча бўлинмадаги шарт-шароит янгиланди. Кинология, сувда қутқариш хизматлари, республика ғаввослар мактаби очилди. Махсус ўқув миноралари ва спорт тренажёрлари яратилди.

Ўтган даврда авария-қутқарув отрядлари томонидан аҳолига ёрдам кўрсатиш бўйича ўн мингдан ортиқ чиқишлар амалга оширилиб, мингдан зиёд фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига хавф солган таҳдидларнинг олди олинди.

Сўз фуқаро муҳофазаси самарадорлигини ошириш ҳақида борар экан, бу борада энг замонавий услублар ҳаётга татбиқ қилинаётганини эътироф этмоқ керак. Хусусан, вазирликнинг Фуқаро муҳофазаси институтида зилзилани

симуляция қилиш мажмуасининг ишга туширилиши тизимнинг катта муваффақиятлардан бири бўлди.

Аҳамиятлиси шундаки, ўқув синфларидан ташқари, зилзила тарихи музейи, намоишлар зали, тиббиёт ҳамда релаксация хоналарини ва энг асосийси, сунъий равишда 9 баллгача бўлган зилзила тебранишларини ҳосил этувчи ускунани ўз ичига олган бундай мажмуа Марказий Осиёда ягона бўлиб, дунёда санокли давлатлардагина мавжуд, холос.

Чиндан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизими вакиллари мустақиллик билан ҳамнафас, қадам ба қадам равишда аҳоли ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида муҳим вазифаларни амалга ошириб, эл-юрт хотиржамлигини таъминлаш тадбирларида фаол қатнашиб келмоқдалар.

Буни вазирлик доирасида ўтказилаётган қўмондонлик-штаб ҳамда махсус-тактик ўқув машқлари, жанговар тайёргарлик машғулотлари, қутқарувчилар мусобақаларида янада ёрқин кўриш мумкин. Мазкур машғулотлар юртдошларимиз қалбида эзгулик, табиат ва инсониятга раҳм-шафқат, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаб, жисмонан ва ақлан етукликка ундамоқда.

Жорий йилнинг 29 август куни Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мажлислар залида “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказилаётган мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбарияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, вазирлик бошқарма, мустақил бўлим ва хизматлар раҳбарлари, ҳарбий хизматчи ва хизматчилар иштирок этдилар.

Тадбирни Фавқулодда вазиятлар вазири генерал-майор Т.Худайбергенов кириш сўзи билан очиб берди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофатлаш тўғрисида”ги Фармони ўқиб эшиттирилди.

Мазкур Фармонга асосан:

«Дўстлик» ордени билан Югай Станислав Валерьевич - Қорақалпоғистон Республикаси фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи;

«Жасорат» медали билан Махкамов Сахобжон Комолович - Жиззах вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди гуруҳи командири;

«Жасорат» медали билан Рахмонов Жавлонбек Махамаджонович - Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг «Қамчиқ» махсус қидирув-қутқарув бошқармаси гуруҳи командири;

«Содиқ хизматлари учун» медали билан Ризоев Камолжон Миржонович - Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фавқулодда вазиятларда бошқарув маркази бошлиғининг ўринбосари;

«Шухрат» медали билан Истамов Нодиржон Искандарович - Бухоро вилояти фавкулудда вазиятлар бошқармасининг радиацион ва кимёвий муҳофаза бўлинмаси бошлиғи;

«Шухрат» медали билан Эменов Фахриддин Мансурович - Самарқанд вилояти фавкулудда вазиятлар бошқармаси кутқарув отряди кутқарувчиси тақдирланди.

Қолаверса, вазирликнинг 57 нафар хизматчи ва ҳарбий хизматчилари “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишони билан тақдирландилар.

Шунингдек, тадбирда Фавкулудда вазиятлар вазирининг шахсий таркибни рағбатлантириш тўғрисидаги, ҳарбий хизматчиларга навбатдаги ҳарбий унвонлар бериш тўғрисидаги буйруқлари ўқиб эшиттирилди. Мазкур буйруққа асосан мукофотлар ва ҳарбий унвонлар Фавкулудда вазиятлар вазири томонидан тантанали равишда топширилди.

ФВВ Матбуот хизмати